Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 23 декабрь 1973 йил, якшанба ◆ № 300 (15.774). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КАТТА ОДИМЛАР, ЮКСАК МАРРАЛАР

Кўп миллатли совет халқларини ягона қардошлик оиласига жипслаштирган улуғ социалистик мамлакатимиз тараққиёти йўлида истиқбол сари улкан одимлар қўйган, ҳаммамизга беқиёс зафарлар, чексиз шодликлар келтирган забардаст 1973 йилимизнинг якунлари сарҳисоб қилинаётган кезларда КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми, саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг VII сессияси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва бюджети тасдиқланди. Совет халқининг коммунизм сари илгарилаб боришидаги истиқбол уфқлари — янги марралари ҳар томонлама пухта ва илмий жиҳатдан асослаб берилди. Ана шу ҳужжатларда Совет халқлари қардошлик оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси Узбекистон ССРнинг ҳам янги йилдаги ўсиш-улғайиш йўллари ўз ифодасини топди.

Яқинда ўз ишини тугаллаган Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми ва саккизинчи чақириқ Узбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси республикамиз экономикаси ва маданиятини тағин ҳам равнақ топтириш соҳасида 1974 йилда қилинадиган ишларнинг кўлами ва миқёсларини белгилаб берди. Пленум ва сессиянинг бутун йўналиши ва руҳи юксак уюшқоқлик, ишчанлик вазиятини, КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатига чексиз садоқат намунасини яна бир бор ёрқин кўрсатиб берди. Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми якунларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни батамом ва тўла-тўкис маъқуллади. Узбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети республикамиз коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг фикрлари, ҳис-туйғуларини ифодалаб, зўр фахр, чуқур мамнуният билан шу нарсани таъкидладики, хўжалик ва маданий қурилишда беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида эришилган ғоят катта муваффақиятлар партиянинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган ленинча йўли изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг қонуний натижаси, КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросининг, шахсан Л. И. Брежневнинг донишмандлик билан олиб бораётган катта фаолиятининг самараси, қаҳрамон ишчилар синфи, азамат колхозчи-деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлилар қилаётган бунёдкорлик ишларининг натижасидир.

Дарҳақиқат, 1973 йил экономика ва маданиятимизни гуллатиб-яшнатиш йўлида, совет кишилари турмуш даражасини юксалтириш йўлида жуда катта одим ташланган йил бўлди. Ҳаммамизнинг ўз яратувчилик, ижодкорлик ишларимиз учун чексиз ифтихор ва қонуний фахрланиш ҳисларимизни тўлқинлантириб юборган нарса ҳам ўтиб бораётган 1973 халқ хўжалик йили планларининг муваффақиятли бажарилаётганлигидир.

Бу йил ялпи ижтимоий маҳсулот ва ҳосил қилинган миллий даромад ҳажми беш йиллик топшириғидан анча ошиб кетди. Шу йил саноат маҳсулоти ҳажми 7,3 процент кўпаяди. Саноат корхоналари коллективлари ўн бир ой мобайнида пландан ташқари 262 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар ва бу билан ўзларининг юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган йилларида жумладан 1973 йилда қишлоқ хўжалигимиз, унинг илғор етакчи тармоғи — пахтачилигимиз айниқса жуда катта ютуқларга эришди. Мамлакат дастлабки уч йил мобайнида пландан ташқари 1 миллион 280 минг тоннадан зиёд пахта олди. Бу йил республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтган йиғилишида зиммаларига олган оширилган мажбуриятларини ошириб адо этдилар. Давлатга 4 миллион 900 минг тоннадан зиёд ёки халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 462 минг тонна кўп пахта топширилди. Шу билан бирга 1973 йилда пахтачилигимиз тарихида энг юқори ҳосил кўтарилди — гектар бошига ўрта ҳисобда 29,1 центнердан ҳосил олинди. Қишлоқ хўжалигимизнинг бошқа соҳалари ҳам яхши ривож топди. Мамлакатга 612 минг тоннадан зиёд дон, шу жумладан 210 минг тонна шоли етказиб берилди. Маккажўхори дони етиштириш уч баравар кўпайди. Давлатга пилла, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар сотиш мажбуриятлари ҳам бажарилди. Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларимиз ҳам анча салмоқли бўлди. Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг Ватан олдидаги хизматларини муносиб тақдирлади. 26 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Бир неча минг киши СССР орден ва медаллари билан тақдирланди. Бу бизнинг Ватанимизда меҳнаткаш кишининг хизматлари қанчалик тақдирланиб, улуғланаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

1973 йилимизнинг хусусиятларидан яна бири шуки, партия ташкилотларимиз, Совет, хўжалик органлари ва барча кадрларимиз катта ва масъулиятли имтиҳондан ўтдилар. Улар сўз билан иш бирлигининг ленинча даъват кучини амалда яна бир бор равшан кўрсатдилар. Белгилаб олинган вазифалар, режаларнинг реал ва ҳаётийлигини амалда исбот қилдилар. Ниҳоятда мураккаб, қийин вазифаларни ҳал этиш жараёнида эса меҳнаткашлар оммасининг битмас-туганмас ғайрат ва ташаббусларига таяниб иш кўрдилар ва шу жараёнда ўзлари ҳам янада чиниқиб, бой тажриба тўпладилар.

Қўлга киритилган муваффақиятларимиз қанчалик катта бўлмасин, биз илгари томон боришимизнинг янги, янада юксак марраларини кўзлаб ҳаракат қилмоғимиз даркор. Шу билан бирга ишда юз бераётган камчиликларни, баъзи ходимларимиз, партия, Совет, хўжалик ташкилотларимиз фаолиятида содир бўлаётган нуқсонларни кўра билишимиз ва бу нуқсонларга қарши ўт очишимиз лозим. Партия бизга шундай таълим беради, партия биздан шуни талаб этади.

Янги 1974 йилда ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар партиямиз томонидан аниқ белгилаб берилди. Чунончи, бизнинг республикамизда ҳам қилинадиган ишларнинг кўлами равшан аниқлаб олинди. Планларда белгиланганидек, 1974 йилда саноатимизнинг ҳамма тармоқлари янада гуркираб, ривож топади. Ялпи ижтимоий маҳсулот 1973 йилда кутилаётганига нисбатан 7 процент, миллий даромад эса 6,9 процент кўпаяди. Электр энергетика, ёқилғи, қора ва рангли металлургия, химия саноати, озиқ-овқат ва енгил саноатни ривожлантириш миқёслари анча ошади. Чунончи, ҳосил қилинадиган электр энергияси 1970 йилдаги 18,3 миллиард киловатт-соат ўрнига 27,9 миллиард киловатт-соатгача етади, яъни 52 процент кўпаяди. Фарғона азот ўғитлари заводи, Навоий химия комбинати, Олмалиқ химия заводи, Самарқанд суперфосфат заводи, Ангрен резина комбинати ва Навоий электрохимия комбинати қурилишларининг кўлами кенгайтирилади. Машинасозликда ишлаб чиқариш ҳажми 1973 йилдагига нисбатан 1974 йилда 12 процент ва 1970 йилдагига нисбатан 54,6 процент кўпайтирилади.

Қишлоқ хўжалигимиз ҳам юксак суръатлар билан ривожланаверади. 1974 йилда ялпи маҳсулот ҳажми шу йилдагига нисбатан 6,5 процент кўпаяди. Юбилей йилида мамлакатга 5 миллион тоннадан зиёд пахта, шунингдек 2 миллион тонна дон ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш назарда тутилади Транспорт, алоқа, фан, техника тараққиёти, меҳнаткашлар турмуш даражасини ошириш соҳасида анча тадбирлар амалга оширилади. Халқ маорифи, соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш учун белгиланган тадбирлар ҳам салмоқлидир.

Бақувват илдизга, кучли техникага суянган қишлоқ хўжалигимиз олдида янги истиқболлар очилмоқда. КПСС XXIV съезди қарорларида кўрсатилганидек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва уни замонавий индустриал асосга ўтказиш бош масаладир. Пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари янги ерларни янада кўпроқ ўзлаштиришни, ҳосилдорликни эса кескин ошира боришни, шу йўл билан ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтиришни тақозо этади.

Ҳеч истесносиз партия ташкилотлари белгиланган вазифаларнинг катта ва масъулиятлилигини ҳисобга олиб, экономика ва маданий қурилишга раҳбарликни янада кучайтиришлари лозим. Партиявий иш чинакам жонли, ижодий, сиёсий ишдир. Бу ишда шошма-шошарликка, юзакичиликка ва расмиятчиликка, сансалорликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Партиявий раҳбарлик хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини аниқ мақсад томон йўналтириб туриши зарур. Партиявий раҳбарликнинг метод ва усулларини такомиллаштириб бориш, бу соҳада тўпланган бой тажрибаларни умумлаштириш партия ходимларининг жонажон ишидир. Улар ўзларининг кундалик ишларида коммунистларнинг ижодий фаолиятларига, омманинг ғайрат ва ташаббусига таянишлари лозим.

Ишчилар, колхозчилар ва меҳнаткаш зиёлиларнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишини, онгли интизом ва юксак масъулият ҳиссини тарбиялашнинг қудратли воситаси бўлган социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш ва унинг самарали формаларини, усулларини ривожлантириш — партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленуми область, шаҳар ва район партия комитетларига, барча бошланғич партия ташкилотлари зиммасига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқига амал қилиб, 1974 йил халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариш учун республика коммунистларини, комсомолларини ва барча меҳнаткашларни сафарбар этишни топширди. Партия, Совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ўзларининг бутун куч-ғайратларини тўққизинчи беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини тўла ва ошириб бажариш ҳамда Узбекистон ССРнинг ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этиб, кенг меҳнаткашлар оммасининг социалистик мусобақасини янада авж олдириб юборишлари зарур.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Узбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигига қарашли корхоналарнинг коллективлари Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини муддатдан ўн кун аввал бажардилар. Декабрь ойининг охиригача топшириққа қўшимча суратда 20 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Узбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли корхоналарнинг меҳнатчилари беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили топшириқларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Пландан ташқари беш ярим миллион сўмлик ҳар хил ишлар бажарилади.

* * *

Наманган областидаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича уч йиллик планни ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили планини муддатдан аввал, 19 декабрда бажардилар.

* * *

Узбекистон ССР Министрлар Совети колхоз қурилишлари давлат-кооператив бирлашмаси ташкилотларининг коллективлари беш йиллик топшириқларини муддатдан олдин бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани авж олдириб, йиллик планни мажбуриятда белгиланганидан олти кун олдин — 20 декабрда бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. «Узколхозстрой» меҳнатчилари йил охиригача пландан ташқари олти миллион сўмлик қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олдилар. (УзТАГ).

УРТОҚ К. Т. МАЗУРОВ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров 21 декабрда Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент шаҳар меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси — тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили ва уч йили планларини, юксак социалистик мажбуриятларни муддатдан илгари бажарганликлари билан қизғин қутлайди. Шаҳар халқ хўжалигини ривожлантиришда, КПСС XXIV съезди белгилаб берган социал-иқтисодий программани амалга оширишда муҳим марра босиб ўтилди.

Социалистик мусобақа моҳирлик билан ташкил этилганлиги ва Ўзбекистон пойтахти ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасида шаҳар саноати корхоналари маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилик турини ишлаб чиқариш юзасидан 1973 йил планини муддатидан илгари. 21 декабрда бажардилар, ишлаб чиқаришнинг 10,2 процент ўсишини таъминладилар, маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришдилар.

Янги техника ва прогрессив технологияни моҳирлик билан жорий этиш, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш туфайли, ҳар бир меҳнатчининг топширилган иш учун юксак масъулиятни сезиши, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш юзасидан партия ишлаб чиққан программани амалга ошириш соҳасида катта ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий иш олиб борганликлари туфайли ана шу муваффақиятларга эришилди. Республика ишчилар синфининг шонли намояндалари Маҳмуд Мўйдинов, Алевтина Девятова, Лидия Казанцева, Евгения Губина, Мунаввара Қорабоева, Тўлқин Самигов ва кўпгина бошқаларнинг ташаббуси асосида ҳар бир коллективда, ҳар бир участкада ва ҳар бир иш жойида давлат топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган ҳаракатни қўллаб-қувватлаш ва кенг оммалаштириш катта роль ўйнади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети зўр мамнуният билан қайд қиладики, Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари яхши маромда, юксак суръат билан меҳнат қилишни давом эттириб, 1973 йил охиригача қўшимча равишда 56 миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот реализация қилишга ва келгуси йили ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 процент оширишга эришишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қатъий ишонч билдириб айтадики, республика Компартиясининг жанговар авангарди бўлмиш пойтахт партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг қарорларини ва партиямиз Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентда бўлган чоғда берган йўл-йўриқларни амалга ошира бориб, шаҳар коммунистлари, комсомоллари, барча меҳнаткашларининг куч-ғайратини 1974 йилги халқ хўжалик планини ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этади.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ САНОАТИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон пойтахтидаги саноат корхоналарнинг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва унинг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1973 йил планини муддатидан аввал, 21 декабрда бажардилар.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1972 йилдагига нисбатан 10,2 процент кўпайди, маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди. Йил охиригача планга қўшимча равишда 56 миллион сўмлик, беш йилликнинг уч йили мобайнида эса 142 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Ҳамза, Куйбишев, Ленин ва Октябрь районларининг меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили юксак социалистик мажбуриятларини бажаришга катта ҳисса қўшдилар.

Шаҳар меҳнаткашларининг коллективларида муқобил, оширилган планлар қабул қилиш практикаси тобора кенг қулоч ёзмоқда. Трактор заводи, «Ташсельмаш», «Компрессор» заводлари, 3-тикув фабрикаси, Тери-мўйна заводининг коллективлари, Урта Осиё темир йўли Тошкент бўлимининг ишчилари ва хизматчилари, кўпгина бошқа корхоналарнинг коллективлари ана шундай планларнинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар.

Тўққизинчи беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун ўтказилаётган мусобақа ташаббускорлари — тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчилари Лидия Казанцева, Евгения Губина ва уларнинг 500 дан кўпроқ издошлари шахсий беш йиллик планларини ҳозирдаёқ бажариб қўйдилар. Пешқадамлардан 50 мингдан ортиқ киши 1974 йилнинг иккинчи ярми ва 1975 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси ва шаҳар хўжалиги ходимлари ҳам олинган мажбуриятларни бажаришда муайян муваффақиятларга эришдилар. Шаҳарда қурилаётган, аввало, ишга тушириладиган объектларда беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини сўзсиз бажариш учун қизғин кураш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон пойтахти партия ташкилоти меҳнат коллективлари ўртасида КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг ҳамда СССР Олий Совети VII сессиясининг материаллари ва қарорларини ўрганиш борасида катта иш олиб бормоқда. Шаҳар меҳнаткашлари ана шу қарорларни маъқуллаб, шу қарорларни иш учун жанговар программа сифатида қабул қилмоқдалар, 1974 йил планини тўла ва ошириб бажариш умуман беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишини, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада юксалтириш, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий даражасини ошириш учун шарт-шароит яратиб беришини чуқур тушунадилар.

Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари республика ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейини кутиб олишга тайёргарлик кўра бориб, социалистик мусобақани янада кенгроқ авж олдириб юборадилар, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ, ОЛДИМИЗДА ЯНГИ КАТТА МАРРАЛАР ТУРИБДИ

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан, Леонид Ильич Брежневнинг республикага Халқлар дўстлиги орденини топширган чоғда сўзлаган нутқида Ўзбекистон ишчиларининг меҳнат зафарларига берган юксак баҳосидан илҳомланган Тошкент меҳнаткашлари социалистик мусобақада янги катта муваффақиятга эришдилар — улар маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва унинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари, 21 декабрда бажардилар.

Шаҳар меҳнатчилари беш йилликни муддатидан илгари тугаллаш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига салмоқли ҳисса қўшдилар: саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1972 йилдагига нисбатан 10,2 процент ошди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. 82 корхона беш йилликнинг уч йили планини белгиланганидан икки ой ва бундан ҳам кўпроқ илгари бажарди. 35 коллектив уч йиллик программани 1 декабргача бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Авиация заводи, «Ташсельмаш», электрон техника, «Ташкенткабель заводлари, тўқимачилик комбинати, трактор заводи ва бошқа етакчи корхоналарнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари пешқадамлар жумласидандир.

Шаҳарда кенг қулоч ёзган социалистик мусобақа янгидан-янги қаҳрамонларни вужудга келтирмоқда. Илғорлардан беш юз киши ҳозирнинг ўзидаёқ ўз шахсий беш йиллик планларини бажариб қўйди, ишчилардан 50 мингдан кўпроқ киши 1974 йилнинг иккинчи ярми ва 1975 йилнинг бошланиши ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Тошкент шаҳар партия-хўжалик активининг 22 декабрда бўлиб ўтган йиғилиши мусобақа якунларига ва беш йилликнинг тўртинчи йили вазифаларига бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика пойтахтидаги корхоналарининг коллективларига, барча меҳнаткашларига йўлланган табрикномасини мажлис аҳли давомли қарсаклар билан кутиб олди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов ана шу табрикномани ўқиб эшиттирди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. А. Губина, Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Эргашев, трикотаж фирмасининг тўқувчиси Ш. Холмуҳамедова, «Жилстрой» трестининг бошқарувчиси Л. З. Тоиров, «Ташкенткабель» завод комитетининг раиси Т. Д. Чурикова ва сўзга чиққан бошқа ўртоқлар меҳнат коллективларининг юксак активлиги тўғрисида, уларнинг социалистик мусобақа байроғини яна ҳам баланд кўтариш иштиёқи ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорлари шаҳар меҳнаткашларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шаҳар корхоналари, қурилишлари ва муассасаларининг коллективлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумда сўзлаган нутқида баён қилинган қоида ва хулосаларни қизғин маъқуллаб, ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги резервларини ишга туширмоқдалар. Улар мусобақада қўлга киритган муваффақиятларни кўпайтиришга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга қатъий аҳду-паймон қилганлар.

Йиғилишда 1974 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Бу мажбуриятларда Тошкент саноати, қурилиш, транспорти, шаҳар хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари, фан ва маданият муассасаларининг коллективлари белгилаган муқобил планлар ҳисобга олинди. Мажбуриятларда маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан беш йилликнинг тўртинчи йили давлат планини 25 декабргача бажариш кўзда тутилади. (ЎзТАГ).

Д. С. ПОЛЯНСКИЙНИНГ ТОЖИКИСТОНДА БЎЛИШИ

ДУШАНБА, 21 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР қишлоқ хўжалиги министри Д. С. Полянский бугун Тожикистон Компартияси Марказий Комитетида республика партия-хўжалик активи билан учрашди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини бажариш борасида партия ташкилотлари ва хўжалик органларининг иши билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни у Душанба тўқимачилик комбинатини бориб кўрди, шаҳарнинг янги қурилишларини томоша қилди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов ва Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Набиев, Д. С. Полянский билан бирга бўлдилар.

Д. С. Полянский ва республика раҳбарлари В. И. Ленин ҳайкалига гуллар қўйишди.

* * *

ДУШАНБА, 22 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР қишлоқ хўжалиги министри Д.С. Полянский бугун Тожикистон пойтахтидан жўнаб кетди.

Д. С. Полянскийни Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Набиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, республика партия — совет органларининг бошқа раҳбарлари аэропортда кузатиб қолдилар. Д. С. Полянский шу куниёқ Москвага етиб келди. (ТАСС).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАР

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Мувақкат революцион ҳукумати Маслаҳат Кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо бошчилигидаги Жанубий Вьетнам Республикаси делегацияси 21 декабрда Москвадан Ереванга жўнаб кетди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, СССР ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири С. С. Немчина меҳмонлар билан бирга Ереванга жўнаб кетишди.

Жанубий Вьетнам Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси А. П. Шитиков, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

Кузатиб қолувчилар орасида ВДРнинг СССРдаги элчиси Во Тхук Донг, Жанубий Вьетнам Республикаси элчихонасининг дипломатия ходимлари, СССРдаги бир қанча мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари бор эди.

Учиш майдонида Қуролли Кучларнинг уч тури: пиёдалар, учувчилар ва денгизчилардан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди Ҳар икки мамлакат давлат гимнлари ижро этилди.

Н. В. Подгорний билан Нгуен Хиу Тхо совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар. Кузатишга келган Москва меҳнаткашларининг вакиллари, Москвада таълим олаётган вьетнамлик студентлар олий меҳмонни самимий ва қизғин табрикладилар.

Мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигида аэропорт томон йўл олган автомашиналар кортежи ўтган кўчалар ва майдонлар Жанубий Вьетнам Республикаси ва СССР давлат байроқлари билан, «Жанубий Вьетнамнинг қаҳрамон халқи вакилларига оташин салом!», «Яшасин Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти!» деган сўзлар ёзилган табрик транспарантлари билан безатилган эди.

* * *

Жанубий Вьетнам Республикасининг делегацияси шу куни Тбилисида бир оз вақт тўхтаб ўтди.

Тбилиси аэропортида меҳмонларни Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Дзоценидзе ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

* * *

ЕРЕВАН, 22 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан Совет Иттифоқида расмий дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турган Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Мувақкат революцион ҳукумати Маслаҳат Кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо бошчилигидаги Жанубий Вьетнам Республикаси делегацияси бугун Тбилисидан Ереванга келди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, СССР ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири С. С. Немчина делегация билан бирга Ереванга келдилар.

Жанубий Вьетнам Республикаси, Совет Иттифоқи ва Арманистон ССР давлат байроқлари билан безатилган вокзалда делегацияни Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Г. А. Арзуманян, Арманистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари О. М. Багдасарян, СССР ва Арманистон ССР Олий Советларининг депутатлари кутиб олдилар.

Арманистон пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари меҳмонларни табрикладилар.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

20 декабрда Москвада Жанубий Вьетнам Республикасига Совет Иттифоқининг кўрсатадиган иқтисодий ёрдами тўғрисида битим имзоланди.

Ана шу битимга мувофиқ, Совет Иттифоқи Жанубий Вьетнам Республикасига машина ва ускуналар, қишлоқ хўжалиги техникаси, нефть маҳсулотлари, ўғит, қора ва рангли металлар, дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моллар етказиб беради.

Битимни СССР ҳукумати номидан — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, Жанубий Вьетнам Республикаси Мувақкат революцион ҳукумати номидан Жанубий Вьетнам Республикаси Мувақкат революцион ҳукуматининг ташқи ишлар министри Нгуен Тхи Бинь имзоладилар.

Битимни имзолаш чоғида:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Б. Н. Пономарев ва Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР министрлари, Давлат Комитетларининг раислари, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиумининг, министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Жанубий Вьетнам Республикаси томонидан — Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Мувақкат революцион ҳукумати Маслаҳат Кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо, Жанубий Вьетнам Миллий-озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзолари — Жанубий Вьетнам Республикаси Мувақкат революцион ҳукумати ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ле Куанг Тянь ва Жанубий Вьетнам Республикасининг СССРдаги элчиси Нгуен Ван Тхан, Жанубий Вьетнам Миллий-озодлик фронти Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Хо Суан Сон ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 1973 йил 29 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ПОСЁЛКА СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари посёлка Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 1973 йил 29 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ РАЙОН СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИГА УЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари район Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 1973 йил 29 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР, ШАҲАРДАГИ РАЙОН СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИГА УЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, шаҳардаги район Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 1973 йил 29 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРнинг Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 1973 йил 29 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ КОДЕКСИ 284-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат қонунлари кодекси 284- моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1973 йил 29 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1973 йил 30 август Фармони;

«Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги 1973 йил 29 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎҚ ОТАДИГАН ҚУРОЛНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ БУЗИШГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўқ отадиган қуролни сақлаш ва ундан фойдаланиш тартибини бузишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 30 августда чиқарган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «МАЪМУРИЙ ТАРТИБДА СОЛИНАДИГАН ШТРАФЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИ ЯНАДА ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ 15-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда солинадиган штрафларни татбиқ этишни янада чеклаш тўғрисида»ги Фармони 15- моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 30 августда чиқарган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУКУМАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

ўртоқ Тоҳир Яҳёевич **Шариповни** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Моддий-техника таъминоти бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1973 йил 23 август Фармони;

Ўртоқ Пётр Васильевич **Каймаковни** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Моддий-техника таъминоти бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1973 йил 23 август Фармони;

Ўртоқ Зокир **Сирожиддиновни** Ўзбекистон ССР тайёрлаш министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1973 йил 1 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Александр Фадеевич **Гавриловни** Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1973 йил 19 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Павел Иванович **Соколовни** Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1973 йил 19 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Пўлат **Қаюмовни** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1973 йил 26 сентябрь Фармони;

Ўртоқ Ҳайриддин Зокирович **Калоновни** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1973 йил 26 сентябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Ҳ. И. ИСҲОҚОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОСИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Ҳалима Исмоиловна **Исҳоқова** Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси қилиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ С. ФАЙЗУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Сайфулла **Файзуллаев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

РЕСПУБЛИКА ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг 21 декабрда бўлиб ўтган пленуми КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлигига бағишланди. Пленумда Москвадан келган адиблар, шунингдек Ўзбекистон областлари ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг адабиётчилари иштирок этдилар.

Филология фанлари доктори Л. П. Қаюмов Ўзбекистон ёзувчиларининг ижодий ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг ана шу қарорини қандай бажараётганлиги ҳақида гапириб берди.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан резолюция қабул қилинди. (ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Энвер **АЛИЕВ** — Тошкент область, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг звено бошлиғи.

Муяссар **БАРНОЕВА** — Бухоро область, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози бўлимининг бошқарувчиси.

Гулмирза **НИЕЗОВ** — Сурхондарё область, Шўрчи районидаги «Ленинизм» колхозининг бригадири.

Мухтор **ХОЛМАТОВ** — Сирдарё область, Ворошилов районидаги «Социализм» совхозининг бригадири.

ЭКОНОМИКАГА РАҲБАРЛИК

ЧИРЧИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Чирчиқ меҳнаткашлари химия саноати ва қишлоқ хўжалиги учун машина ва механизмлар ясаб, мамлакатга қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар етказиб бериб, деҳқонларимизга ернинг ҳамиртуруши бўлган ўғит ишлаб чиқариб ва халқ хўжалигимиз учун бошқа кўпгина буюмлар тайёрлаб, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар. Машинасозлардан И. Дубовой ва О. Усмонов, металлургардан В. Белинский ва Ф. Ржавин, бинокорлардан В. Оқмуллаев ҳамда И. Мартин каби коммунист ишчилар ҳамда уларнинг минг-минглаб ҳамкасблари Чирчиқ саноати шуҳратини янада ошириш, маҳсулот сифатини кўтариш, турларини кўпайтириш, саноат корхоналарини ва уй-жой биноларини тез, соз қуришда ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Чирчиқ шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ташкилотчилик ишларини такомиллаштириб ҳамда идеология ишини кенг кўламда олиб бориб, партия демократиясини ривожлантириб ҳамда партиявий интизомни ҳар томонлама мустаҳкамлаб, кадрларга талабчанликни ошириб, сиёсий-хўжалик вазифаларини ҳал этишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Партия ташкилотлари ҳисобот даврида асосий диққат-эътиборни ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга ва меҳнат унумдорлигини кўтаришга, социалистик мусобақани уюштиришни яхшилашга қаратдилар. Кейинги уч ярим йил мобайнида шаҳар индустрияси тез суръатлар билан ўсди. Беш йилликнинг уч йилги плани маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини кўтариш бўйича муддатидан илгари, 13 декабрда бажарилди.

Партия, совет ташкилотлари ва хўжалик органларининг иш услуби ва методлари такомиллашиб бормоқда. Улар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этишга бош-қош бўлмоқдалар. Шаҳарда иш кўраётган партия ташкилотлари ҳар бир корхона ва умуман шаҳарнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти комплекс планларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга етакчилик қилдилар.

1971-1973 йилларда илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари ҳамда саноат корхоналари 1200 га яқин тадбирни тайёрлаб жорий этдилар. Бунинг шарофати билан 32 миллион сўмлик иқтисодий наф кўрилди. Минг-минглаб рационализаторлик таклифлари рўёбга чиқарилди. 170 та янги саноат маҳсулотини тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўзбекистон химия машинасозлиги, Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги, трансформатор заводлари ҳамда қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг партия ташкилотлари маҳсулотнинг янги самарали турларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Шаҳардаги трансформатор ва химия машинасозлиги заводлари, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, асфальт-бетон заводи ва бошқа бир қанча корхоналарда реализация қилинган маҳсулот ҳажми жадаллик билан ўсмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, саноат маҳсулоти ҳажмининг ўсишига, асосан меҳнат унумдорлигини кўтариш ҳисобига эришилмоқда. Мамлакатдаги пешқадам корхоналар коллективларининг ташаббусини бир тан-бир жон бўлиб маъқуллаган Чирчиқ корхоналарининг ишчи ва инженер-техник ходимлари ўз зиммаларига 1974 йилга мўлжалланган оширилган, муқобил планлар олдилар.

Чирчиқни каттакон қурилиш майдонига қиёс этса арзийди. Бинокорлар ва монтажчилар электр-химия, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатлари, трансформатор заводи ва бошқа корхоналарда янги цехлар, ускуналарни қуриб битказдилар. Сўнгги уч йил мобайнида 170 минг квадрат метр уй-жой бунёд этилди. Янги мактабларга болаларнинг пойқадами етди ва бошқа кўпгина маданий-маиший объектлар ишга солинди. Шаҳардаги йирик 160-қурилиш тресги планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси асосида ишламоқда. Қурилишда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин бошлаб берган бригада хўжалик ҳисоби методи кенг кўламда қўлланила бошлади.

Шаҳар экономикасини ривожлантириш борасида катта муваффақиятлар қўлга киритилгани равшан. Булар ҳақида конференцияда гапирилди. Шу билан бир қаторда шаҳарком ҳисобот доклади ҳам, делегатларнинг нутқлари ҳам саноат, қурилиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш тадбирларига қаратилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Ёқубов** ҳисобот докладида саноат ишидаги камчиликларни батафсил таҳлил этиб берди. Баъзи корхоналар, хусусан Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи бир меъёрда ишламаяпти, бу корхонада ой бошида хотиржамлик, сўнггида чоп-чоп. Буни моддий-техника таъминотидаги камчиликлар билангина изоҳлаб бўлмайди. Корхона раҳбарлари, партия ташкилоти зарур ташкилий-тарбиявий чоралар кўриб, бу камчиликларни тугатишлари лозим. Шаҳар корхоналарида 11 миллион сўмлик ускуна ва механизмлар ўрнатилмай турипти. Завод ва фабрикаларда оғир қўл меҳнатини механизациялаш ва автоматлаштиришга етарли эътибор берилаётгани йўқ. Ҳозир асосий ишлаб чиқаришда қўл меҳнати салмоғи 40 процентни ташкил этаётгани шундан далолат бериб турипти. Чирчиқ электр-химия комбинатида техника хавфсизлиги қоидалари дамба-дам бузилаётганини ҳам бугун рўйи-рост айтиб ўтишимиз лозим. Комбинат раҳбарлари, партия комитети бу соҳада самарали ва таъсирчан чора-тадбирлар кўриши лозим.

Конференцияда сўзга чиққан кўпгина делегатлар капитал қурилиш, хусусан саноат корхоналарининг реконструкцияси бобидаги камчиликларни аниқ, конкрет фактлар асосида очиб ташладилар. 160-қурилиш трести ташкилотлари ҳамда республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг бўлинмалари Чирчиқ электр-химия комбинатида оқава сувларни тозалаш иншоотларини ниҳоятда ҳардамхаёллик билан қурмоқдалар. Уй-жой қурилишининг суръатлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Конференцияда сўзга чиққан шу комбинат директори **В. Қодиров** ана шулар ҳақида гапирди.

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи партия комитетининг секретари **А. Руденко** ўз нутқида корхонани техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш масалаларига тўхталди. Корхона қуюв цехини реконструкция қилиш судралиб қолаётганлиги учун Пахтачилик соҳаси машиналар ишлаб чиқариш бош-бошқармаси ва унинг Тошкентдаги ремонт қурилиш бошқармаси раҳбарларини танқид қилди. Қуюв цехини реконструкция қилишда фақат шу корхонанинг ўзигина эмас, балки Тошкент трактор заводи ҳам манфаатдордир. Реконструкция туфайли иш шароити яхшиланиши ва оқибатда меҳнат унумдорлиги кўтарилиши керак. Шу боисдан ҳам бу ишни галга солмасдан ниҳоясига етказиш даркор.

Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати партия комитетининг секретари **В. Горбачев** коллективнинг меҳнат ютуқлари ҳақида гапириб берди. Ушбу корхона планни жамики техникавий-иқтисодий кўрсатчиклар бўйича адо этмоқда. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 4 процент кўтарилди. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 2 процент юқоридир. Социалистик мусобақага коммунистлар бош-қош бўлмоқдалар. Мусобақа якунлари мунтазам чиқариб борилмоқда. Ғолибларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг мукаммал ситсемаси амалга оширилмоқда. Ютуқларимиз бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди,— деди нотиқ. Лекин, таассуфки, қурилиш ташкилотлари янги объектларни ишга туширишни бир қадар чўзиб юбормоқдалар. Конференцияда сўзга чиққан анчагина делегатлар капитал қурилиш соҳасидаги жиддий камчиликларни очиб ташладилар.

Ҳисобот докладида ва делегатларнинг нутқларида шаҳар партия комитети партиявий ишнинг форма ва усулларини такомиллаштиришга, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга катта эътибор берганлиги таъкидлаб ўтилди. Партия ҳужжатларини алмаштириш ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда коммунистларнинг активлигини оширишга ёрдам берди. Совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига партиявий раҳбарлик савияси кўтарилди. Конференция шу билан бир қаторда шуни ҳам таъкидлаб ўтдики, шаҳарком партия сафларини пешқадам ишчилар ҳисобига оширишга етарли эътибор бераётгани йўқ. Айрим партия ташкилотларида маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссиялари суст ишламоқда, партиявий қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш кўнгилдагидек эмас.

Чирчиқ шаҳар XXIII партия конференцияси хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни янада яхшилаш юзасидан резолюция қабул қилди, область партия конференциясига делегатлар ҳамда шаҳар партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

* * *

XXIII партия конференциясида сайланган Чирчиқ шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни қараб чиқди. Пленум ўртоқ **Ф. Ғ. Ёқубовни** шаҳаркомнинг биринчи секретари, **А. И. Аникин** ва **Н. К. Савченко** ўртоқларини шаҳарком секретарлари қилиб сайлади.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ГУВОҲНОМА ОЛИШДИ

Турли касб эгалари бўлган самарқандликлардан 55 киши халқ маданият университетининг эстетика факультетини тамомлаб чиққанлиги тўғрисида гувоҳнома олишди. Бу факультет шаҳардаги 2-кутубхона ҳузурида ўн икки йилдан буён ишлаб келмоқда. Бу ерда лекцияларни шаҳар олий ўқув юртларининг етакчи олимлари, Самарқанд театрларининг режиссерлари ва артистлари, музикашунослар ўқимоқда. Факультет тингловчилари театрларда тез-тез бўлиб, янги спектаклларни муҳокама қилишга актив иштирок этадилар. Уларни бадиий виставкаларда, музейларда кўриш мумкин.

Ҳозир областда 150 дан кўпроқ халқ университети ишлаб турибди.

«КОСМОС-625» ПАРВОЗДА

1973 йил 21 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-625» учирилди. Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш —ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ЧЎЛҚУВАРЛАРГА ЁРДАМ

Бу ёруғ ва баҳаво цехда тайёрланаётган ускуналар, машина ва механизмлар Мирзачўл, Қарши дашти ва Қорақалпоғистон автоном республикаси чўлқуварларига юборилаяпти. Гидротехник ва мелиораторлар, саноат объектлари ва уй-жой биноларининг қурувчилари «Оргтехстрой» лойиҳа-технология трести экспериментал цехи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ҳамиша сабрсизлик билан кутиб олмоқдалар. Чунки бу ерда тайёрланаётган ускуналарнинг ҳар бир намунаси илгари ана шу қурувчилар қўлида синовдан ўтказилган эди.

Бугун цехда оддий иш куни. Ишни биринчи бўлиб электриклар бошлаб беришади. Электр токи уланиб, дастгоҳлар ишга тушгач, электр пайвандчиларининг иши қизиб кетади. Ёзда бепоён пахта далаларида иш ниҳоятда қизиган бир пайтда бу цех коллективи шошилинч буюртма олганди. Улардан қисқа вақт ичида суғориш новлари учун сув тақсимлайдиган металл қурилмалар ясаб беришни илтимос қилишган эди. Бу буюртма тезда тайёрланиб, жуда қулай, оддий ва ишончли сув тақсимлагичлар қўриқ совхоз ишчилари қўлига вақтида бориб тегди. Экспериментал цехда тайёрланган бундай дюкерларни пахтакорлар ва ирригаторлар юқори баҳолашди.

Николай Цурбанов энг яхши пайвандчилардан бири. У ҳарбий хизматни Узоқ Шарқда ўтаган эди. Н. Цурбановнинг кўкрагини «Давлат чегарасини қўриқлашда кўрсатган мардлиги учун» медали безаб турибди. У Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ўтаб бўлгач, ўзининг аввалги ишига пайвандчиликка қайтиб келди.

Илғор ишчи, ёш коммунист Владимир Кагай ҳам у билан ёнма-ён ишлайди. Ўзининг тиниб-тинчимаслиги ва меҳнатсеварлиги туфайли коллективнинг ҳурматига сазовор бўлди. Аралаш касб эгаси бўлиш ташаббусини ҳам цехда биринчи бўлиб Владимир бошлаб берди. Ҳозир цехдаги барча электр пайвандчилар слесарлик ҳунарини ҳам эгаллаб олишган. Комсомол аъзоси, фрезерчи Асқад Еналиев эса йўниш станогида ишлашни ҳам ўрганиб олди. Шу кунларда цехда аралаш касб эгаси бўлмаган ишчи қолмади. Шу сабабли ҳар бир ишчи ўз ўртоғининг доимий мададини сезиб, бир-бирларига кўмаклашиб туради.

Экспериментал цехда тайёрланган ўнлаб машина ва механизмлар чўлқуварлар меҳнатини анча енгиллаштирди. Қўли гул ишчилар тайёрлаган кўчма бўёқчилик станцияси айниқса пардозловчи ишчиларга жуда маъқул тушди. Бу станция янги қурилган биноларни сувааш ва пардозлашда оғир қўл меҳнатини анча осонлаштирди.

Улуғ Ватан уруши ветерани Василий Жданов ёш ишчиларнинг чинакам устозидир. Унинг ёрдами ва ғамхўрлиги билан ёш ишчилар қисқа вақт ичида мутахассисликлар бўйича ўз разрядларини оширишмоқдалар. Масалан, яқинда бу ерга шогирд бўлиб келган Валижон Мирзаолимов ҳозир разрядли слесарь. Асқад Еналиев ҳам В. Жданов оталиғида малакасини оширди. У айни пайтда ишдан ажралмаган ҳолда кечки ишчи ёшлар мактабида ҳам ўқияпти. Цехнинг аҳил коллективи ўн бир ойлик план бўйича социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Ишлаб чиқаришда илғор технология жорий этилгани сабабли бу ерда ҳар бир ишчи ҳисобига ҳар ойда ўртача 600 сўмлик миқдорида маҳсулот тайёрланмоқда.

Цех коллективи тўққизинчи беш йилликнинг учинчи — ҳал қилувчи йилини муддатидан илгари бажариш учун қизғин кураш олиб бормоқда. Ҳар доим социалистик мусобақа илғори бўлиш аввал ускуналарни қўриқ ерларда синовдан ўтказиб сўнг кенг миқёсда ишлаб чиқариш цех коллективининг асосий шиори бўлиб қолди.

А. ДОБРИДНЕВ,
«Средазирсовхозстрой» нинг ташкилий-техникавий қурилиш трести партия ташкилотининг секретари.

Планетамизда

ЯҚИН ШАРҚҚА БАҒИШЛАНГАН СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

ЖЕНЕВА, 21 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). Миллатлар саройида Яқин Шарққа бағишланган конференция очилди.

Конференция ишида Совет Иттифоқидан—СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, АҚШдан—давлат секретари Г. Киссинжер, Миср Араб Республикасидан — ташқи ишлаб министри И. Фахмий, Иордания қироллигидан — Қирол Ҳусайннинг махсус маслаҳатчиси, элчи А. М. ар-Рифоий, Исроил давлатидан — ташқи ишлар министри А. Эбан қатнашмоқдалар.

БМТ Бош секретари К. Вальдхайм мажлисни очди.

У Яқин Шарқдаги аҳволдан дунёда қаттиқ ташвиш чекиляпти, деб таъкидлади. К. Вальдхайм БМТнинг Яқин Шарқ проблемасини бартараф этиш борасида кўрсатаётган куч-ғайратларини эслатгач, ташкилот томонлар мухтожлик сезган ҳар қандай ҳолларда ёрдам беришга тайёр деб музокара қатнашчиларини ишонтирди.

Конференция, деб давом этди БМТ Бош секретари, ғоятда қийин, хавфли ва мураккаб халқаро проблемани конкрет равишда ҳал этиш учун алоҳида имкониятга эга. Башарти шу имкониятдан фойдаланилмас экан, дунё Яқин Шарқда яна хавфли ва ғоятда хатарли вазиятга муқаррар дуч келади.

Муваффақиятга эришиб бўлмаса, ўт очишни тўхтатиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шу районда амалга ошираётган тинчликни сақлаш борасидаги тадбирлари ишончсиз бўлиб қолади ва яна уруш ҳаракатлари бошланиб кетиш доимий хавфи сақланиб қолади.

Ушбу конференция, деб давом қилди К. Вальдхайм, унга бутун дунё кўз тикиб турганлиги учунгина эмас, шу билан бирга, Яқин Шарқдаги вазият ўзининг кўп томонлама оқибатлари билан ҳам конференциянинг ҳар бир қатнашчисидан ва унинг жамики қатнашчиларидан сиёсий донолик, дадиллик, сабр-тоқат ва масалага хушёр туриб ёндашувни қатъий талаб қилади.

К. Вальдхайм конференция қатнашчилари мустаҳкам сулҳ биносини барпо этиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланадилар деб умид билдирди.

Шундан сўнг СССР ташқи ишлаб министри А. А. Громико баёнот берди.

СОВЕТ ВРАЧЛАРИГА ТАШАККУР

ЖАЗОИР, 21 декабрь. (ТАСС мухбири). Жазоирнинг Тлемсен шаҳрида медицина соҳасида Совет — Жазоир ҳамкорлигининг 10 йиллигига бағишланган кинофестиваль ва фотовиставка очилди.

Совет Иттифоқи Жазоир Халқ Демократик Республикасига ўн йилдан бери миллий соғлиқни сақлаш ишларини вужудга келтириш ва ривожлантиришда ёрдам бериб келмоқда. Ҳозирги вақтда 30 га яқин совет медиги Жазоирнинг 24 та шаҳарида ишламоқда. Улар ҳар йили бир миллиондан кўпроқ беморга малакали медицина ёрдами бермоқдалар.

ХАЛҚАРО ФИКР АЛМАШУВ

ПРАГА, 21 декабрь. (ТАСС). 1973 йил 18-19 декабрда Прагада «Проблеми мира и социализма» журнали уюштирган фикр алмашув бўлиб ўтди. Европадаги коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари «Ҳозирги шароитдаги кўргазмали агитация коммунистларнинг сиёсий фаолиятидаги муҳим восита» деган мавзуда фикр алмашдилар. Фикр алмашувда Австрия, Болгария, Венгрия, ГДР, Греция, Дания, Италия, Польша, Румыния, СССР, ГФР, Финляндия, ЧССР коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари қатнашди.

Мунозара чоғида кўргазмали агитациянинг мазмуни ва формалари проблемаси, унинг ахборотнинг бошқа воситалари билан ўзаро таъсири, партия ташкилотининг кўргазмали агитация билан ишлаш методлари, сиёсий плакатни ривожлантириш йўллари муҳокама қилинди. Муҳокама ишчанлик ва дўстлик вазиятида ўтди.

ЯҚИН ШАРҚҚА БАҒИШЛАНГАН СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

А. А. ГРОМИКО БАЁНОТИ

Бош секретарь жаноблари!
Муҳтарам касбдошлар!

Ушбу конференциянинг чақирилиши Совет Иттифоқида зўр мамнуният билан кутиб олинди. Энг қалтис халқаро проблемалардан бирини сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўлида биринчи, аммо муҳим қадам қўйилди. Чорак асрдан бери бу проблема Яқин Шарқдагина эмас, унинг ташқарисида ҳам доимо кескинлик манбаи бўлиб келмоқда.

Бу райондаги кескинлик вақти-вақти билан ошкора ҳарбий тўқнашувларга айланиб кетмоқдаки, биз ҳаммамиз бунинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Ҳар сафар шундай воқеа содир бўлганида, ялпи тинчликнинг тақдири таҳлика остида қолмоқда. Бундан олти йил муқаддам шундай бўлган эди. Ҳали яқиндагина, октябрь ойида ҳам шундай бўлди, бу сафар уруш ҳаракатлари гарчи нисбатан узоқ давом этмаган бўлса ҳам, жуда шиддатли бўлди.

Агар бу ерда ҳукм суриб келаётган кескинликнинг туб сабаблари бартараф этилмаса, Яқин Шарқда янги ҳарбий қонли тўқнашувлар бундан буён ҳам чиқа беришига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Ишларнинг ҳақиқий аҳволидан унча-мунча хабардор бўлган ва вазиятни объектив равишда баҳолайдиган ҳар қандай киши муқаррар равишда ана шундай хулосага келиши муқаррар.

Исроилнинг сиёсати оқибатида, Яқин Шарқда вужудга келган чидаб бўлмас вазият бундан буён давом этиши мумкин эмас. Мазкур конференция қатнашчилари ҳам буни тушунаётирлар ва шу сабабли улар можарони одилона тинч бартараф этишга замин яратишдек қатъий ният билан бу ерга келганлар, деб умид қилишни истаймиз.

Можарони шу райондаги халқлар учун, бутун дунё халқлари учун мақбул бўлган тарзда бартараф этишнинг бундан бошқа тузукроқ йўли йўқ. Воқеаларнинг бутун бориши, шу жумладан кейинги вақтлардаги воқеалар буни яққол исботлаб турибди.

Араб давлатлари 1967 йил ёзида ўзларидан тортиб олинган ерлардан маҳрум бўлишга ҳеч қачон тоқат қила олмасликлари энди ҳаммага равшан. Совет Иттифоқи уларнинг бу позициясини тўла-тўкис тушунади ва қўллаб-қувватлайди. Араб мамлакатлари ўзларининг одилона курашида дунёдаги жуда кўпчилик давлатларнинг мададига таянадилар. Араблар дунёсининг мустаҳкамланиб бораётган бирдамлиги ҳам буни тақазо этмоқда.

Оккупация қилиб олинган территорияларни зўравонлик билан сақлаб қолишга умид боғлаш хом хаёлдир. Яқин Шарқда уруш ва тинчлик масалаларига бошқача, реалистик ёндашиш зарур бир иш бўлиб қолмоқда. Совет Иттифоқи буни доимо гапириб келган эди.

Дунёдаги давлатларнинг жуда кўпчилиги Яқин Шарқда кескинлик манбаини абадийлаштиришга муросасозлик билан қарамоқчи эмаслигини шу давлатлар бирон-бир тарзда мутлақо равшан кўрсатиб бердилар. Бу билан ҳисоблашмаслик — халқларнинг аниқ-равшан изҳор этган хоҳиш-иродасига қарши бориш демакдир.

Кейинги йилларда умуман дунёдаги кескинликни юмшатиш сари ижобий силжиш бошланганлиги ҳам Яқин Шарқдаги можарони пухта бартараф этишга кўмаклашади. Ер куррасининг кўпгина жойларида бир қанча мураккаб халқаро масалалар, шу жумладан, иложсиздек бўлиб туюлган масалаларни ҳам ҳал этишга муваффақ бўлинди. Вьетнамдаги уруш тўхтатилганлигини ёки Европадаги урушдан кейинги кескин ва муҳим проблемалар бартараф этилганлигини, турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларни тинч-тотув яшаш негизида, халқаро шартномалар ва битимлар тузиш йўли билан нормаллаштириш ва яхшилаш сари бурилиш ясалганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатларининг БМТ Хавфсизлик кенгаши қабул қилган маълум қарорларда ўз ифодасини топган ташаббуси содир бўлган ижобий ўзгаришларнинг Яқин Шарқда ҳам намоён бўлган реал нишонасидир. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олганда Яқин Шарқдаги уруш ҳаракатлари гарчи тўхтатилган бўлса ҳам, бу райондаги можаро давом этаётганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган ғайри табиий фавқулодда бир ҳодисадир.

Масъулият кимнинг зиммасида эканлигини қайтадан гапириб ўтирмоқчи эмасмиз. Биз бунинг учун ким жавобгар эканлигини яхши биламиз ва бошқалар ҳам буни биладилар, деб ўйлаймиз. Эндиликда, можарони бартараф этиш иши ўрнидан силжиган бир пайтда бошқа бир нарса — Яқин Шарқда шу райондаги ҳамма давлатлар ва халқлар учун мустаҳкам ва адолатли бўлган тинчликни ўрнатиш учун нималар қилиш зарурлигини белгилаб олиш муҳимроқдир.

Аввало, Совет Иттифоқи шунга аминдирки, халқаро ҳаётнинг энг асосий принципини — уруш йўли билан территорияларни қўшиб олишга йўл қўймаслик принципини ҳеч оғишмай ўтказиш зарур.

Бу — бутун проблеманинг калитидир. Агар конференция қатнашчилари ҳақиқатан ҳам Яқин Шарқ районини янги можаролар хавф-хатаридан халос қилишни истасалар, тангликнинг асосий сабабини — араб территорияларини оккупация қилиш олти йилдан кўпроқ вақт давом этиб келаётганлигини бартараф қилиш зарур. Бу ерлар ўзининг қонуний эгаларига тўла-тўкис қайтариб берилиши керак. Исроил қўшинлари шу территорияларда турар экан, Яқин Шарқда тинчлик бўлмаслигига бизнинг ишончимиз комил.

Ушбу конференцияда қабул қилинадиган ҳар қандай ҳужжатга Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган ҳамма территориялардан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги аниқ ва равшан мажбуриятлар ёзиб қўйилиши лозим.

Томонлар ана шу принципиал масала хусусида бир фикрга келмасалар, можарони араб давлатларининг, Исроилнинг манфаатларига, халқаро хавфсизлик манфаатларига мос бўлиб тушадиган тарзда бартараф этишни қандай қилиб таъминлаш иложини топиш қийин, деб ўйлаймиз. Иккинчидан, башарти, мазкур асосда бир битимга келишилган тақдирда можарони бартараф этишнинг бошқа кўпгина жиҳатлари анча осон ҳал этилиши шубҳасиз.

Шу билан бирга Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларнинг суверенитети, территориал бутунлиги ва сиёсий мустақиллиги, уларнинг тинчликда яшаш ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши ва эътироф этилишини таъминлаш зарур, бу гап Исроилга ҳам тааллуқлидир. Бизнинг позициямиз бошдан-охиригача равшан ва изчилдир, биз шу райондаги ҳамма халқлар учун тинчлик ва хавфсизлик таъминланишининг тарафдоримиз. Бунда фаластинлик араб халқига нисбатан адолат таъминланиши ҳам назарда тутилади, албатта. Унинг қонуний ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши керак. Ўз-ўзидан равшанки, Фаластин проблемаси фаластинлик араб халқи вакилларининг иштирокисиз муҳокама қилиниши ва ҳал этилиши мумкин эмас.

Маълумки, Исроилнинг ҳуқуқи гўё инкор этилмоқда, деган тезис ўзгаларнинг территорияларини босиб олишнинг, сал бўлмаса, энг асосий далил—исботи қилиб кўрсатилмоқда. Бу далилда ҳеч қандай мантиқ йўқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ бу давлат барпо этилганлиги фактининг ўзи орқали Исроилнинг яшаш ҳуқуқи эътироф қилинган. Кўпгина давлатлар, шу жумладан Совет Иттифоқи ҳам Исроил билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигида бу нарса ўз ифодасини топди. Исроилнинг араб қўшнилари Хавфсизлик Кенгашининг маълум резолюциялари асосида можарони бартараф қилиш тўғрисида келишиб олишга тайёр эканликларини билдирдилар. Хавфсизлик Кенгашининг ана шу резолюцияларида можарога тортилган ҳамма давлатлар яшаш ҳуқуқига эга эканлиги принципи аниқ ифодаланган.

Аммо бундай ҳуқуқ бир томонлама бўлиши мумкин эмас. Бошқа давлатлар ва халқларнинг суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилмай туриб бундай ҳуқуқни амалга ошириб бўлмайди. Ўзининг яшаш ҳуқуқидан бошқаларнинг манфаатларига зиён етказган ҳолда фойдаланиш ярамайди. Ўзаро ва тенг ҳуқуқли характерга эга бўлган мажбуриятгина ва шу мажбуриятларни бажаришга тайёр бўлиб туришгина Яқин Шарқдаги давлатлараро муносабатларнинг нормал ривожланишини таъминлаши мумкин.

Бу гап чегараларнинг дахлсизлиги принципига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Дунёнинг бошқа районларида бўлгани каби бузилмаслигига ишонч комил бўлган тинч чегараларгина мустаҳкам чегаралардир. Ўзгаларнинг территорияларини босиб олиш ҳисобига ўз чегараларининг хавфсизлигини таъминлаш мумкин, деб ўйлаш гўллик бўлур эди. Чегара чизиғининг ҳар иккала томонидаги давлатлар эътироф қилган қонуний чегарагина ҳақиқатан ҳам хавфсиз чегара ҳисобланади. Яқин Шарқдаги конкрет вазиятда бу чегаралар — 1967 йил 4 июнгача мавжуд бўлган чегара чизиқларидан иборат.

Яқин Шарқдаги можарони бартараф этишнинг энг принципиал жиҳати хусусида Совет Иттифоқининг позицияси ана шундай. Бу позиция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1967 йилдан бошлаб шу вақтгача қабул қилган қарорларининг руҳи ва ҳарфига батамом мос келади. Бунда гап аввало Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябридаги маълум резолюцияси тўғрисида бораётир.

Яқин Шарқдаги вазиятни тубдан яхшилаш йўлига қатъий амал қилиб келаётган Совет Иттифоқи бу позициядан асло чекингани йўқ ва чекинмоқчи ҳам эмас.

Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йилдаги мазкур қарори Яқин Шарқда мавжуд бўлган проблемаларга ва шу проблемаларни ҳал этишга реалистик, асосли ёндашиш воситаси сифатидаги ўз аҳамиятини ҳозиргача ҳам йўқотмаганлигига ишончимиз комил.

Бошқаларнинг ҳам бунга ишончи комил. Шу фикрга БМТ га аъзо бўлган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳам, ундан ташқарида ҳам шу қабилдаги хоҳиш-иродани неча марталаб изҳор этган ҳамма давлатлар қўшиладилар.

Резолюцияни оғизда эътироф қилиш бошқа-ю, унинг қоидаларини амалда бажариш бошқа нарса, албатта. Бу резолюциялар амалда бажарилганида эди, Яқин Шарқдаги можарони бартараф қилиш проблемаси кун тартибидан аллақачонлар олиб ташланган бўлур эди. Аммо шу кунларда ҳам Синай ва Жўлан тепаликлари узра порох ва ёнгин қўлансаси анқиб турибди, қонли жароҳатлар алами эса минг-минглаб арабларнинг ва исроилликларнинг ҳам юрагини тирнамоқда.

Конференциянинг амалий вазифаси шундан иборатки, у Хавфсизлик Кенгаши мазкур қарорининг ҳамма қисмларини амалга оширишнинг конкрет ва реалистик программасини ишлаб чиқиши керак.

Хавфсизлик Кенгашининг яқинда содир бўлган уруш ҳаракатлари вақтида қабул қилган қарорлари бевосита ана шуни тақозо этади, бу қарорларда Яқин Шарқда ўт очишни тўхтатиш Яқин Шарқ проблемасини пишиқ-пухта ҳал этиш мақсадида дарҳол музокаралар бошлашга боғлиқ қилиб қўйилди.

Биз ишни шу тарзда тасаввур қилмоқчимизки, можарони шундай бартараф этиш хусусида манфаатдор томонлар ўртасида эришилиши лозим бўлган битимлар конференциянинг тегишли ҳужжатларида мустаҳкамлаб берилади. Булар салмоқли ҳужжатлар бўлиши, шу ҳужжатларга қўшилувчи ҳамма томонлар учун мажбурий характердаги ҳужжатлар бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳужжатлар қонун кучига эга бўлиши керак.

Шу тариқа Яқин Шарқдаги ҳамма давлатлар ва халқлар ўртасида тинч-тотув яшаш, яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишнинг мустаҳкам пойдевори қўйилган бўлур эди.

Томонлар халқаро ҳуқуқий тартибда ўз зиммаларига олган мажбуриятлар улар ўзаро хавфсизлигининг энг яхши гарантияси бўлур эди, бу хавфсизлик ўзгаларнинг территорияларини босиб олиш йўли билан эмас, балки давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорлик асосида, тузилган шартномалар ва битимларни қатъият билан бажариш асосида таъминланиши мумкин.

Башарти, битимларга қўшимча салобат киритиш зарурати туғилса, Совет Иттифоқи манфаатдор томонларнинг истакларини ҳисобга олиб, тегишли бошқа давлатлар билан биргаликда ўз зиммасига лозим бўлган мажбуриятларни олиши мумкин. Бунда БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳам ўзининг салмоқли сўзини айтиши мумкин. Энг муҳими шуки, Яқин Шарқдаги можарони сиёсий йўл билан бартараф этиш ҳақиқатан ҳам мустаҳкам негизга таянадиган бўлсин.

Шу мақсадга хизмат қилувчи бошқа баъзи бир тадбирларни ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўзаро келишув асосида айрим участкаларда демилитарлаштирилган зоналарни белгилаб қўйиш масаласи ва айрим районларда халқаро ходимларни вақтинча жойлаштириш масаласи назарда тутилади. Ҳар бир ҳолатда бу чораларнинг ҳаммаси махсус равишда батафсил муҳокама қилиниши ва энг муҳими манфаатдор томонлар учун ўзаро мақбул бўлган асосларда ҳал этилиши мутлақо равшан.

Биз юқорида айтиб ўтган энг асосий проблема хусусида бир фикрга келинган тақдирда бундай масалалар можарони умуман бартараф этиш учун тўсиқ бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Яқин Шарқ проблемаси нақадар қийин бўлмасин, ҳал этиш мумкин бўлган проблемадир. Биз буни аввал ҳам айтган эдик, биз буни ушбу конференция минбарида туриб ҳам такрорламоқдамиз. Аммо биз бошқа бир нарсани ҳам — Яқин Шарқдаги уруш олови ҳар қандай вақтда яна аланга олиши мумкинлигини ҳам огоҳлантириб келган эдик. Можарони тинч бартараф этишни бундан ортиқ пайсалга солиш жуда характерлидир. Шу залда ҳозир бўлган кишиларнинг барчаси ана шуларнинг ҳаммасини тўла-тўкис ҳисобга оладилар, деб умид қиламиз.

Конференция қатнашчилари зиммасига катта масъулият тушади, уларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари Яқин Шарқ халқларига ишончли тинчлик бахш этиши мумкин ва лозим.

Бизнинг мамлакатимиз кескинликнинг Яқин Шарқдаги манбаини тугатишни энг муҳим вазифалардан бири деб билиб, бунга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Биз Яқин Шарқ районида мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиш учун куч-ғайрат сарфлаётган араб халқларини қўллаб-қувватлаб келдик ва қўллаб-қувватламоқдамиз. Мазкур конференцияда ҳам биз бундай тинчлик реал бўлиб қолишини истаб, зарур битимларга эришиш учун ҳар томонлама кўмаклашаберамиз.

Совет Иттифоқида Исроил давлатига нисбатан ҳеч қандай адоват йўқ. Аннексия сиёсати, халқаро ҳуқуқ нормалари ва БМТ қарорлари поймол этилганлиги сабабли Исроилни ҳамма, шу жумладан, биз ҳам қоралаймиз. Ҳатто ҳозирги конференцияга келгунча ҳам Исроил Хавфсизлик Кенгашининг 338- ва 339-қарорларини бажаргани йўқ. Исроил можарони ҳалол ва ўзаро мақбул тарзда бартараф этишга тайёр эканлигини билдирган тақдирдагина аҳвол ўзгариши мумкин.

Қўшинларни бир-биридан самарали равишда узоқлаштириш масаласини ҳал қилиш ҳозирги актуал, энг зарур вазифадир.

Чинакам тинчлик ўрнатиш Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади. Шу давлатларнинг халқлари тинч ҳаёт афзалликларидан баҳраманд бўлиб, ўз куч-ғайратларини, инсоний ва моддий ғайратларни беҳуда исроф қилаётган муҳолифликдан социал ва иқтисодий тараққиёт проблемаларини ҳал этиш сари буриб юбора олган бўлур эдилар.

Бундан маълум сабабларга кўра Яқин Шарқ можаросининг салбий оқибатларидан азият чекаётган бошқа кўпгина давлатлар ва халқлар ҳам манфаат кўрган бўлур эдилар. Яқин Шарққа бевосита яқин жойлашган мамлакатлар ҳам, шунингдек ундан неча минг километрлаб олисдаги мамлакатлар ҳам бу оқибатларни очиқ-равшан ва жуда сезиларли равишда хис қилмоқдалар. Агар масаланинг фақат бир томонини — халқаро иқтисодий ҳамкорлик, савдо-сотиқ ва кема қатнови масаласининг ўзини олганда ҳам, анча қулай шароит яратилган бўлур эди.

Яқин Шарқ можаросини йўқотиш натижасида халқаро вазият нақадар соғломлашиб кетиши, кескинликни юмшатиш жараёни нақадар олға босишини тасаввур қилиш мумкин, холос. Бутун Ўрта денгиз ҳавзасидаги, Европа, Осиёда, қўйингчи, дунёнинг ҳамма жойларидаги аҳволга бу нарса жуда самарали таъсир қилган бўлур эди.

Яқин Шарқ ва бутун дунё халқлари бу райондаги аҳволни тинчлик йўли билан барқарор бартараф этишни таъминлаш йўлида амалий чоралар кўрилишини кутиб турибдилар. Совет Иттифоқи конференциянинг иши худди шу йўлдан бориши учун, конференция амалий ва конструктив тусда ўтиши учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилади.

* * *

Шундан кейин сўз олган Г. Киссинжер конференция пировард натижада ҳамон уруш шарпаси кезиб юрган Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга олиб боради, деб умид билдирди. Конференция қатнашчилари, деди у, асосий мақсадга — тинчликни таъминлашга эришиш учун бутун куч-ғайратни сарфлашлари лозим. АҚШнинг фикрича, аввало манфаатдор томонлар ўт очишни тўхтатишга хавфсизлик кенгаши даъват этганидек ҳеч оғишмай риоя қилишлари лозим.

Сувайш фронтидаги араб ва Исроил қўшинларини бир-биридан узоқлаштириш проблемасини ҳал этиш уруш ҳаракатлари яна бошланиши хавфини камайтиришга имкон берган булур эди. Хавфсизлик Кенгаши 1967 йил 22 ноябрь резолюциясида даъват этганидек, можарони тинч бартараф этиш учун қулай шарт-шароитни яратган бўлур эди, деб таъкидлади АҚШ давлат секретари. Бу резолюциянинг ҳамма бандлари тўла-тўкис бажарилишига эришиш — бизнинг пировард мақсадимиз бўлиши лозим, деди Г. Киссинжер.

Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилиши туфайли шу райондаги давлатлар ўртасида янги муносабатлар таркиб топиши мумкин, бу эса халқларнинг иноқ бўлиб хавф-хатарсиз бирга яшашларига имкон беради. Бу эса янги уруш бошланиши имкониятини истесно қиладиган конкрет тадбирлар кўришни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, деди сўзини давом эттириб Г. Киссинжер, музокаралар реалистик асосда олиб борилиши керак. Қўшма Штатлар мўътадилликни ва узаро иноқликни рағбатлантириб, музокараларга кўмаклашиш ниятидадир.

Башарти, сулҳ манфаатдор томонларнинг розилигига асосланмаса, бунда тинчлик мустаҳкам бўлиши мумкин эмас. Агрессиянинг олдини олишга қаратилган хавфсизлик чоралари муҳим аҳамиятга эга, албатта. Бироқ чинакам хавфсизлик, аввало, бир битимга эришишга асосланиши, бу битим томонларнинг биронтаси ҳам воз кечишни истамайдиган даражада одилона битим бўлиши лозим.

Шу конференцияни очиш билан биз бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган қадамни қўймоқдамиз.

Мен, деб таъкидлади Г. Киссинжер, бу ерга АҚШ Яқин Шарқда — одилона ва мустаҳкам тинчликка эришишга ҳаракат қилмоқчи эканлигини айтиш топшириғи билан келганман. Биз буни жўн вазифа деб ҳисобламаймиз, аммо, бизнинг олдимизда шу районда тинчликни таъминлаш учун кейинги ўттиз йил мобайнида биринчи реал, айтиш мумкинки, ўзига хос бирдан-бир имконият вужудга келди.

Конференция ўз ишини давом эттиради.

А. А. ГРОМИКО Г. КИССИНЖЕР БИЛАН УЧРАШДИ

ЖЕНЕВА, 22 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). Кеча бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув чоғида Яқин Шарққа бағишланган сулҳ конференцияси ишининг бориши, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирувчи бошқа халқаро масалалар муҳокама қилинди.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

24 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.15 —ТОШКЕНТ. 18.20 — Мультфильм. 18.40— Тележурнал. 19.40 — «Ахборот». 19.55 — Оламда нима гап? 20.15 — Маоизм нима? (Москва). 20.45 — Ўн минут музика. 20.55 — «Ахборот», 21.15 — Қўшиқ ёзувчи шоирлар. Зоҳиджон Обидов. 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Ҳаётга қайтиш** (бадиий фильмнинг 1-серияси). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар. 13.15—Цирк саҳнасида. 14.00 — Спорт кўрсатуви. 14.30 — **Евгений Онегин** (фильм-опера). 16.10 — Телефильм. 17.00 — Ватанимиз тарихидан очерклар. 17.15 — Янгиликлар. 17.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.15 — Қишлоқдаги учрашувлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — Концерт. 20.15 — Социалистик мусобақа кенг кулоч ёйсин (Тошкент). 20.45 — Телеспектакль. 22.00 — Паррандачиликни саноат асосида ривожлантирайлик (Тошкент). 22.30 — Ёш овозлар. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.45 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

25 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Спорт кўрсатуви. 19.30— «Ахборот». 19.45 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 20.15 — Ўн минут музика. 20.25 — Капитализм мамлакатларида ижтимоий проблемаларнинг кескинлашуви (Москва) 20.45 — «Ахборот». 21.05 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30— **Офицерлар** (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.30 — МОСКВА. 18.40 — Спорт программаси. 19.40 — Концерт. 20.25 — Ҳужжатли фильм. 20.45 — Телеспектакль. 22.00— «Азимут». 22.30 — Театр учрашувлари. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 21.00 — **Икки бойга бир малай** (бадиий фильм).

26 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Тележурнал. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.25 — «Ахборот». 19.40 — Ўн минут музика. 19.50— Ленинград области Ватанга рапорт беради (Москва). 20.40 — Муқобил план имкониятлари. 21.10 — «Ахборот». 21.30 — Озарбайжон санъат усталарининг концерти. 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Ҳаётга қайтиш** (бадиий фильмнинг 2-серияси). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.30 МОСКВА. 19.10 — Жаҳон халқлари ижоди. 19.50 — Концерт. 20.30 — Врач маслаҳати. 20.40— Телеспектакль. 22.00 — «Фан» программаси (Тошкент). 22.30 — Дўстлар меҳри. 23.15 — Рақслар зали. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30— Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 20.30 — Балет кечаси. 21.00 — **Аршин мол олан** (бадиий фильм).

27 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телефильм. 18.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — Туямўйин гидроузели — зарбдор қурилиш. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — **Дўстлик экрани.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Тошкент талантлари (фильм-концерт). 23.05 — Султон Жўранинг адабий портрети. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.30 — МОСКВА. 18.50 — Спорт кўрсатуви. 19.30 — **Мардлик-мангулик** (Тошкент). 20.00 — Концерт. 20.25 — Телеспектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ўқув кўрсатуви. 19.45— Фильм-концерт. 21.15 — **Камолот сари** (бадиий фильм).

28 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10 — Москва области Ватанга рапорт беради (Москва). 20.00 — «Ахборот». 20.15 — Ўн минут музика. 20.25 — «Ахборот», 20.45 — «ОЛТИН ҚУЛЛАР». 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ота-оналар университети. 23.00 — **Универмаг витринаси ортида** (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.30 — МОСКВА. 19.10 — Концерт (Тошкент). 20.00 — Концерт. 21.00 — Телеспектакль. 22.00 — Сиҳат-саломатлик (Тошкент). 22.30 — Москва бадиий академик театрида кеча. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.05 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 20.25 — Ҳужжатли фильмлар.

29 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 17.25 — ТОШКЕНТ. 17.30 — «Звездочка». 18.15 — Арчамизни безаймиз. 18.45 — Туямўйин гидроузели — зарбдор қурилиш. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — **Аҳил оила** (бадиий фильм). 20.40 — «Ахборот». 21.00 **Назм ва наво.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ҳал қилувчи йил якунлари. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.30 — «Замандас» программаси. 17.25 — МОСКВА. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — «Здоровье». 18.10 — **Ҳайвонот оламида.** 19.10 — Мультфильмлар. 19.50 — **Кекса қароқчилар.** (бадиий фильм). 21.20— Концерт. 22.00 — Киноэкран янгиликлари. 22.30 — Москва академик хореографик билим юртининг 200 йиллигига бағишланган тантанали кеча. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.10 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

30 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. 9.35 — Янгиликлар. 9.45 — Телефильм. 10.00 — **Экран хандаси.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Мультфильм. 12.00 — Цирк чироқлари. 13.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 14.00 — Телеспектакль. 14.30 — Ягона оилада. 15.00 — Музикали киоска. 15.30 — Қишлоқ янгиликлари. 16.30— Концерт. 16.50 — Халқаро панорама. 17.20 — ТОШКЕНТ. 17.25— Мультфильм. 17.40 — **Трембита** (бадиий фильм). 19.10 — «Ахборот». 19.25 — Тенг ҳуқуқлилар иттифоқи. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «ЧАШМА». 22.00 — «Вақт». 22.30 — «ЧАШМА» (давоми). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.20 — МОСКВА. 18.20 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 19.20 — Спорт кўрсатуви. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Эстрада концерти. 20.50 — **Уч бўйдоқ яшар экан** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00—Ҳужжатли фильм. 22.30 — **Уч бўйдоқ яшар экан** (бадиий фильмнинг 2-серияси). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 15.00 — ТОШКЕНТ. Хоккей: «БИНОКОР» (Тошкент) — СКА (Хабаровск). 17.20 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

31 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.35 — ТОШКЕНТ. 9.40 — Янгиликлар. 9.50 — Мультипанорама. 10.30— Янги йил қувончлари. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Концерт. 11.40 — Мамлакат янги йил арафасида. 12.15 Концерт. 13.00 — Мультфильмлар. 13.40 — Ўйинчоқлар магазинида. 14.00 — **Телеграмма** (бадиий фильм). 15.30 — Байрам концерти. 16.30 — Муз устида балет. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Янги йил экрани — кино юлдузларига. 18.35 — «Ахборот». 18.50 — **Гул ва тўй мадҳи.** 19.25 — Телефильм. 19.45 — **Экран хандаси.** 20.45 — «Ахборот». 21.00 — **Қизлар давраси.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Янги йил концерти. 23.40 — Янги йил табриги. 00.05 — Янги йил концертининг давоми. 01.20 — МОСКВА. Янги йил базми. 02.40 — Телефильм. 02.50 —Совет халқига табрик. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.00 — **Қор маликаси** (мультфильм). 12.05 — **Аёз бобо** (бадиий фильм). 17.45 — МОСКВА. 18.45 — **Дони ва Миккининг янги саргузаштлари** (бадиий фильм). 19.50 — Киноконцерт. 20.30 — Москванинг чет эллик меҳмонлари. 20.50 — **Телеминиатюралар.** 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Мультконцерт. 22.55 — Телефильм. 24.00 — Янги йил базми. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН УМР

КРИШАН ЧАНДАРНИНГ 60 ЁШГА ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ҳиндистондаги ҳозирги замон урду адабиётининг энг атоқли намояндаларидан бири, юксак истеъдод соҳиби, ёзувчи Кришан Чандарнинг асарлари жаҳон халқларининг кўп тилларига таржима қилинган. Айниқса Совет Иттифоқида унинг Ҳиндистон халқлари ҳаёти ва кураши тасвирланган асарлари ғоят машҳур бўлиб, Ватанимиз халқлари уларни ўз она тилларида севиб ўқийдилар. Шу кунларда Ҳиндистон халқлари адабиётининг ифтихори, йирик ёзувчи ва жамоат арбоби Кришан Чандарнинг туғилганига олтмиш йил тўлишини СССР ва Ҳиндистон халқлари бирга нишонламоқдалар. Ҳаётини ватан озодлиги ва ватандошларининг бахт-саодати учун курашга бағишлаган адиб Кришан Чандар 1913 йилда Кашмирда, врач оиласида дунёга келди.

Истеъдодли ёзувчининг фусункор қалами билан яратилган сон-саноқсиз ҳикоя ва кўп романларида жаннат мисол Кашмирнинг ёрқин ва мислсиз гўзал манзаралари жилва қилади. Шундай сўлим табиат қўйнида вояга етган инсоннинг эзилиши ва хўрланишига қарши ёш адиб ўзининг илк асарларидаёқ қаттиқ норозилик билдиради. Кришан Чандар Лоҳўр университетининг филология факультетида ўқиган пайтида мутолаа этган марксизм-ленинизм классиклари ва жаҳон адабиёти йирик намояндаларининг эрксеварлик ва инсонпарварлик руҳи билан суғорилган асарлари бўлажак адиб учун машъал бўлган эди.

1936 йилда Ҳиндистонда тараққийпарвар ёзувчилар ассоциацияси ташкил этилди. Кришан Чандар мазкур анжуманнинг фаолиятида актив қатнаша бошлайди. Қирқинчи йилларда ёзувчи эрк ва мустақиллик учун қизиб кетган курашга бутун борлиғини тиккан ишқи собит, дили содиқ қаҳрамонлар образини яратади («Уч безори», «Ўлаётган дўстимнинг табассуми» ва бошқалар). Ватанпарвар ёзувчининг «Макалакшмий кўприги» ҳикояси мустамлакачилар зулмига қарши курашга қўзғолган забунҳол диёр Ҳиндистоннинг хазон бўлган нафис гуллари — ҳинд қиз-жувонларига бағишланади. Ҳинд аёлларининг куйчиси, талантли ёзувчи ўзининг «Тўй» ҳикоясида ҳинд аёллари ҳақида меҳру-муҳаббат билан сўзларкан адибнинг тасвирлари умумлашма юксакликларга кўтарилади.

Социалистик реализм асосчиси Максим Горький вафотига ўн тўрт йил тўлиши муносабати билан ўтказилган мотам митингида Кришан Чандар шундай деган эди:

«...Бизлар Горькийнинг оташин сўзини унутмаймиз... Бизлар империализм худоларига қарши курашамиз ва бу худолар олдида бош эгмаймиз... Янги адабиётнинг байроғида Горькийнинг юраги ловуллаб ёниб турибди ва бу юрак дунёда тинчлик тимсолидир»...

Бир маҳаллар Горькийнинг революцион романтизмидан таъсирланиб ёрқин асарлар яратган Кришан Чандар, пировардида, социалистик реализмдан ҳам баҳраманд бўлмоқда. Социалистик реализмнинг ниҳоллари унинг «Далалар уйғонганда» повестида намоён бўлди. Агар Премчанднинг «Севги макони» (1922) романидаги деҳқонлар озод бўлган Россияга кўчиб кетамиз десалар, Кришан Чандарнинг «Далалар уйғонганда» (1951) повестидаги деҳқонлар заминдорларнинг ерини бўлиб олиб, уни ҳайдаб, экин экадилар, қишлоқда ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар. Кришан Чандар эзилган, муте деҳқон Рағҳу Раонинг халқ озодлиги ва бахт-саодати учун бўлган курашда деҳқонлар раҳнамоси, оташин революционерга айланишини бадиий маҳорат билан тасвирлаб берган.

Асардаги коммунист Мақбул ва Рағҳу Рао образлари жуда ҳаётий чиққан. Ҳинд инқилобчиларининг ҳақиқий образини чизиб берган, уни тараннум этган оташқалб ёзувчи Кришан Чандар ўз озодлиги учун мустамлакачиларга қарши шиддатли жангга отланган Осиё ва Африка халқларининг революцияларини ҳам қизғин олқишлайди:

«...Бугун ҳам баррикадалар қад кўтаряпти. Марокашда... Жазоирда... Мисрда... Ҳиндистонда..., Ҳинди-Хитойда... Индонезияда... Бу бўрондир. Бўронни ким тўхтата олсин?.... Бу революциядир, революция! Ким унга бас кела олади?»

Озодлик ва демократия куйчиси Кришан Чандар бутун дунё пролетариатининг доҳийси, буюк революционер Ленин ҳақида шундай деган эди:

«Мен оламда инсониятга энг яхши истиқбол йўлини очиб берган улуғ одамлар, йирик олимлар ўтганлигини биламан, улар ўз авлодларини ва ўз замонларини англай олдилар, халқ учун ёздилар, халқни етаклаб бордилар. Бундай одамларга шарафлар бўлсин! Бироқ ақл кўзи билан кўп авлодларни ва кўп замонларни кўра оладиган, кўп халқларнинг бахт-саодати учун меҳнат қиладиган, улар учун яшайдиган, уларнинг манфаати учун курашга ўз ҳаётини бағишлайдиган инсон минг йилларда бир пайдо бўлади. Бундай одам пайдо бўлганида инсоният яна ҳам улғаяди. Бу одам, худди юксак тоғ чўққиси сингари баланд кўтарилади, чақмоқдай ҳамма ёқни ёритади, оламни қуёшдай иситади. Тарих бу одамга ўз сирларини очиб беради, табиат миннатдорлик билан унга бўйин эгади. Ленин ана шундай одам эди! Ленин тарихнинг кўзи эди».

З. АШУРБОЕВ,
филология фанлари кандидати.

Республикамиз пойтахтининг театр майдони мўъжазгина янги бино билан кўркамлашди. Куни кеча фойдаланишга топширилган бино пештоқида нурли ҳарфлар — «Тошкент гуллари» порлади. Янги йил арафасида гўзаллик шайдоларига совға қилинган бу бинони муддатидан илгари фойдаланишга топширишда «Горремстрой» трестининг РСУ-4 қурувчилари ғайрат кўрсатдилар.

Фақат гуллар билан савдо қилувчи янги магазин ўз кўриниши билан диққатни тортади. Темир-бетондан тикланган бино ойнавандли, ёруғ ва шинам. Бу ерда йилнинг турли фаслларида ҳар хил нав гуллар билан савдо қилиш учун шароит яратилган.

Суратда: «Тошкент гуллари» магазинининг кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ЯККАБОҒДА ДИЙДОР КЎРИШДИК

БУЛЬДОЗЕРЧИ НУРМАҲАММАД САМАТОВ ҲИКОЯСИ

Улуғ Ватан урушининг энг оғир дамлари эди. Бутун оиламиз билан нон-насиба, ризқ-рўз излаб Қашқадарёнинг Мироқи қишлоғидан Шаҳрисабзга йўл олдик. Қаерга бормайлик, кимнинг ҳовлисига кирмайлик нажот топдик, одамлар бисотида борини биздан аямади.

Отам Қурбон бобо энди Яккабоғ тарафга борамиз, деб туриб олди.

Кутилмаганда онам бетоб бўлиб қолди. Юришга мажоли йўқ эди. Яхши одамлар ёрдамга келишди. Ўғли фронтга кетган бир аёл бошпана берди. Рўзғорда борини баҳам кўрамиз, деди. Шундай қилиб, онамни тўққиз ёшлик опам Одина билан Шаҳрисабзда вақтинча қолдиришга мажбур бўлдик. Мен, саккиз ёшлик акам Ниёз ва отам — уччаламиз йўлга тушдик. Эртакларда айтилганидек, «йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик» ва ниҳоят Яккабоғ районининг Қайиқчи қишлоғига етиб келдик. Ҳовлима-ҳовли юрганимизни кўрган бир кампир бизни уйига таклиф этди. Ўзини Ҳадича момо деб таништирди. Энг қийин кунларнинг бир қисмини уникида ўтказдик. Отам колхозда ер чопди, қўш ҳайдади. Биз бўлсак момонинг рўзғорига қарашдик: ўтин-чўп тердик, сув ташидик. Тез орада ўзимизни анча ўнглаб олдик.

Бир куни отам: онанг билан опангни олиб келайлик, деб қолди. Ниёзни шу ерда қолдириб, иккаламиз йўлга тушдик. Чироқчи райони марказидан ўтганимизда шивалаб ёмғир ёға бошлади, сўнгра қорга айланди. Бир пасда ҳаммаёқ оппоқ оқариб қолди. Қаёққа боришимизни билмадик. Шунда отам.

— Ҳу анави уйчага борамиз!— деди йўл четидаги пастқамгина ҳужрани кўрсатиб.

Эгаси кўчиб кетган бу ҳужранинг эшиги қийшайган, дарчаси очиқ эди. Шамол изғиб, увуллайди. Ичкарига бош суқишимиз биланоқ музхонага киргандек бўлдик. Хайрият, тўрда пича сомон, икки боғ хашак бор экан. Хашак билан дарчани бекитдик, сомонни тўшаб ётдик...

...Эрталаб сесканиб уйғондим. Қарасам, отамнинг увадаси осилиб ётган эски чопонини ёпиниб ётибман. Ҳа, ўғлим совқотмасин деб, яккаю ягона чопонини устимга ёпиб қўйибди отам. Ўзи бўлса кўйлакчан, букилибгина ётибди. Турткиладим. Индамайди. Қаттиқ ухлаб қолибди, деб мен ҳам ётавердим. Бирдан юрагим шув-в этиб кетди. Тағин отамни турткиладим. Қимирлайди-ю, нафас олишининг мазаси йўқ. Ўрнимдан туриб, бошдан оёқ разм солдим. Кўзлари сузилиб-сузилиб кетяпти. Ташқарига чиқиб дод-вой солдим. Қаёқдандир яхши одамлар етиб келишди. Отамни район марказидаги касалхонага олиб кетишди. Мен ҳам бирга бордим. Бир-икки кун шу атрофда айланиб юрдим.

Бир куни отам: «Онанг билан опангга хабар бера оласанми?», деб сўраб қолди. Йўлни билмайман, лекин одамлардан суриштириб топиб борарман, дедим. Қайси бир аравакашга эргашиб, катта йўлгача бирга бордим. У Қамаши қишлоғига қараб кетди. Мен бўлсам, бир ертўлага кириб ухлаб қолибман...

...Баданимга совуқ сув сепилгандек бўлди. Кўзимни очсам, тонг бўзариб келяпти. Теварак-атрофга разм солдим. Менга нотаниш одамлар нималар ҳақидадир гаплашаётган эди. Ҳа, чиндан ҳам эшик ёнида икки киши кўринди. Сакраб ўрнимдан турдим.

— Салом, йигитча! — деди новчадан келган одам илиққина кулиб. — Бу ерда нима қилиб юрибсан?

Отамни ташлаб кетгим келмаяпти, — дедим.

— Отанг қаердалар?

— Касалхонада ётибдилар, — дедим. — Ҳали онам билан Одинани ҳам топишим керак.

Бояги одам киссасидан бир ҳовуч майиз ва туршак чиқариб берди:

— Ол, ўғлим, олақол!

Бошим осмонга етди.

— Биз билан бирга кетасанми? — сўради яна ҳалиги киши. — Меникида турасан, ўғлим бўласан. У яна қўшиб қўйди: ҳозир отангни бориб кўрамиз.

Ростини айтсам, ўзим ҳам шундай дейишларини кутиб турувдим. Биргалашиб отам ётган касалхонага йўл олдик. Афсус, минг афсуски, падари бузрукворимни қайта кўриш насиб этмади. Бир томони қарилик, бир томони касталик уни ҳолдан тойдирибди. Отам оламдан... буёғини айтишга тилим бормайди.

Лекин ёлғиз қолмадим. Ўзини Ҳамид амаки деб таништирган истараси иссиқ бояги одам Шаҳрисабзга олиб кетди. Онам билан опам қолган уйга бордик. Эгаси қаёққадир кўчиб кетибди, онам, Одина ҳам унга қўшилиб кетишибди. Қаёққа? Буни ҳеч ким билмайди.

— Бизникига кетдик, — деди Ҳамид амаки. — Онангни ҳам, опангни ҳам топиб олармиз. Акангга хат ёзиб юборамиз.

...Каттакон ҳовлига киришим биланоқ, бир гуруҳ болаларга дуч келдим. Улар орасида ўзбек, рус, туркман, белорус, татар, арман, яҳудий болалари бор эди. Мен ҳам уларга қўшилиб кетдим.

Кейинчалик билсам, бу ер — мени бағрига босган Ҳамид Саматовнинг уйи, болалар ҳам шу кишиники экан. Бошпанасиз қолган ўн тўрт болани тарбияга олибди. Дастлабки кунлари анча қийналганмиз. Шунча болага иккита кўрпа-ю, кўрпача... Икки товоқда овқат еймиз. Қошиқ ҳам иккита, айланиб навбат келгунича, тоқатинг тоқ бўлиб кетади. Баъзан бир-биримизга қараб ҳўмрайиб қўямиз. Лекин, шунча болани тарбияга олиб, бор-йўғини биздан аямай, ғамхўрлик қилаётганлиги учун Ҳамид акадан, унинг ота-онасидан беҳад хурсанд бўламиз.

Ҳамид амакиникида ўн йил яшадим. Ўн олти ёшимда Каттақўрғон сув омбори қурилишига ишга бордим. У ерда нонвойга шогирд тушдим. Ҳамид аканинг отаси — Самат бобо билан бирга ишладик. Армия ёшига етганимда хизматга жўнадим. Хизмат бурчимни адо этиб, тағин Ҳамид аканикига қайтиб келдим. У киши мамлакатнинг турли бурчакларига хат-хабар йўллаб, онамни, опам билан акамни қидиришга тушдилар. Жуда кўплаб хатлар ёздик, жуда кўп даракчилар юбордик. Ахийри, орадан 17 йил ўтгач, Ҳамид аканикига Ниёз акам кириб келди. Бунгача Ҳамид ака Саматовнинг фамилиясига ўтган эдим. Фамилиям шундайлигича қолаверди. Акам билан иккимиз Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхозга йўл олдик.

Қайси бир куни Ҳамид ака келиб қолди. Ўзи билан бирга совға-салом ҳам олиб келибди. Турли ташкилотларга хат йўллаб онам билан опамни дараклаётганлигини айтди. Буни қаранг, Ҳамид аканинг пойқадами ёқиб, онамни ҳам топиб олдик. Тани-жони соғ, бироқ, кўзи ожиз бўлиб қолибди. Ҳа, бизни деб, бизларни излаб, қўмсаб, соғиниб, шундай бўлибди онам.

Энди Одинани топишимиз керак эди. Яна Ҳамид ака ёрдамга келди. Биргалашиб кўп изладик, қидирдик. Ниҳоят, орадан 27 йил ўтгач, опам билан дийдор кўришдик. Опам беш боланинг онаси бўлибди. Тақдир бизни тағин Яккабоғда бирлаштирди.

Ҳозир Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхозда бульдозерчи бўлиб ишлайман. Рафиқам Норхолой колхозчи. Катта қизим Марзия 10 синфни битириб, пахтачилик бригадасида меҳнат қиляпти. Қизим Саодат 3-синфда, ўғлим Бегмамат 1-синфда ўқийди. Яна бир қизим Барно 5 ёшда, кенжа ўғлимиз — Йўлчи энди бир ёшга тўляпти. Ўша оғир йилларда Ҳамид ака Саматовдек ҳақиқий инсонпарвар, одамохун кишилар бизни паноҳига олмаганда, билмадим, буёғи нима бўларди...

Гапга Энгельс номли колхоз раиси Момохол Узоқова аралашди:

— Асли тил-адабиётчиман. Нурмаҳаммад Саматовнинг тақдири ҳақида бирор нарса ёзсаммикан, деб кўп ўйладим. Лекин хўжалик ишлари билан банд бўлиб; вақт тополмадим. Нурмаҳаммад ҳақида қанча ёзсангиз ҳам озлик қилади. Нега десангиз бунақа меҳнатсевар, заҳматкаш, бениҳоя серғайрат йигитни кам учратганман. Колхозимизда энг илғор, энг донгдор бульдозерчи ҳисобланади.

Онаси ўзи билан бирга турибди. Акаси Ниёз районимиздаги Калинин номли колхозда ишлайди. Одина эса «Марксизм» колхозида истиқомат қилади. Уруш йилларида бамисоли тариқдек тирқираб кетган бу оила эндиликда яна дийдор кўришди. Улар энг бадавлат, фаровон турмуш кечираётган хонадонлар бўлиб қолишди.

Момохол опа ҳақ гапни айтди. Нурмаҳаммад Саматов ва унинг туғишганлари энг оғир дамларда ҳам ёлғиз қолишмади. Коммунистик партия тарбиялаётган олижаноб совет кишилари уларни қанот остига олишди, кези келганда, ҳам ота, ҳам она — чароғбон бўлишди.

Ҳа, бизнинг замонамиздагина одамлар бир-бирига дўст, қадрдон, ўртоқ ва вафодордирлар.

Суратда: ўнгдан иккинчи Нурмаҳаммад Саматов фарзандлари ва тутинган отаси Ҳамид ака билан.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҲАЁТ ОШИҒИ

Шу йил 25 декабрда таниқли ўзбек шоири Зоҳиджон Обидовнинг туғилганига 50 йил тўлиши кенг жамоатчилик томонидан нишонланади. Улуғ Ватан уруши йиллари, мамлакатни қайта тиклаш ва тинч қурилиш даври, коммунизм қурилишининг кенг авж олдирилиши—Ватанимиз тарихий тараққиётининг ана шу ҳал қилувчи босқичлари шоир З. Обидов ҳаёти ва қалбининг биографиясини ташкил этади. Шу улуғ йиллар ва воқеалар мазмуни, шоир лирикасида ўз ифодасини топди. У ўқувчиларга юзлаб ёқимли лирик шеърлар, кўпгина тўпламлар тортиқ қилди. Ўз ижоди билан шоир адабиётимизнинг улуғ вазифаси — янги жамият кишисини тарбиялаб, вояга етказиш ишига муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Қуйида юбиляр-шоирнинг янги шеърларидан ўқийсиз.

УСТОЗИМНИ СЎРАСАЛАР

Устозинг ким дея сўрсалар,
Партиям деб айтгум аввало.
Ётлар қизил сўз деб сўксалар,
Сўкаверсин!
Вайсашларига
Қайрилиб ҳам боқмайман асло!
Чунки чиндан чароғон этди
Зеҳну дилни доно партиям.
Илҳомимни фаровон этди
Октябрдан бахт топган ўлкам.
Горькийлари қаламим йўнди,
Ут бахш этди Корчагинлари.
Маяковскийча илҳомлар қўнди,
Ҳамза кетмас кўнглимдан нари.
Кифтимдадир Ҳамид Олимжон
Илк бор қанот берган қўл изи.
Қулоғимдан кетмас ҳеч қачон
Устод Ойбек қутлаган кези.
Шайхзоданинг руҳига қасам,
Ҳикматлари қалбимда омон.
Дил қувнайди Уйғунни десам,
Падар каби боқди меҳрибон.
Нафосатда, назмда устоз
Партиямнинг шу ўғлонлари.
Қўшиқларим, этавер парвоз,
Ўлкам авжин кўриб кун сари.

Хаёлимда кезар уч нарса —
Дилга яқин уччаласи ҳам: —
Бири халқим, бири партиям эрса,
Яна бири жонажон ўлкам!
Юрагимда мавжланур мудом
Ана шу ҳис, чертганда созим.
Бериб ҳар тонг қуёшдай салом,
Қилгум келур қуёшдай таъзим.

ИЛТИМОС

Уйғотгич соатни қўйманг бошимга,
Жарангги қулоққа ёқмайди
мутлақ,
На хушдир радио турса қошимда,
Оқшомдан созлайин тортиб
яқинроқ,
Эфирда Кремль урган бонг билан—
Уйғонай, мен сиздан сўрайман
шуни.
Қуёшдан аввалроқ ўша бонг билан
Ҳушимни жилога ўрай ҳар куни.

ҚОРА НОН

Дастурхонда оқ ва қора нон,
Қорасига чимрилдинг нечун?!
Малол келди қилмишинг, ўғлон,
Увоғи ҳам азиз мен учун!
Эҳ, билмайсан нон қадрини сен,
Бизлар кўрган кунларни кўрма!
Жанг йилларин эсламоқ қийин,
Қора нондан юзингни бурма!
Ҳамон эсда бир бурда нонни
Жондай асраб жангга кирганим.
Бошдан ёмғир, қор урган они
Навбатда нон кутиб турганим.
Асаб эди тор каби таранг,
Жанговар руҳ чатнаб ўлкада.
Дам босиб, дам қайтар эди жанг,
Кўз — зафар ва қора бўлкада.
Қора нондан қайрилма зинҳор,
Қора кунда шу бўлди дармон.
Синовларда шу бўлиб мадор,
Ўлимлардан асради омон.

МЕНИНГ ЮЛДУЗИМ

(Лирика дафтаридан).

Дейдиларки, учганда юлдуз,
Бир шўрликнинг умри узилди.
Мана ҳозир кўчганда юлдуз,
Одат экан, кўнглим бузилди.
Кўкда эмас менинг юлдузим,
Шаҳлоларнинг қорачиғида.
Билсанг агар, қоши қундузим,
Менинг жоним кўзинг чўғида.
Шу чўғ билан ишқ деган олам
Ҳушим олди, бўлди бўлганим.
Шу чўғни ҳеч сўндирма, санам.
Шу чўғ сўнса, менинг ўлганим!

Ҳужжатли фильмлар кинофестивали

Бугун пойтахтимиздаги «Комсомол 30 йиллиги» кинотеатри залида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган ҳужжатли-хроникал кинофильмлар фестивали очилади.

Кинофестивалда «Гўзаллик ҳақида сўз», «Гўзалликнинг уч сири», «Самарқанд доимо мен билан», «Усмон Юсупов» ва «Ўзбекистон» номли ўнга яқин ҳужжатли-хроникал фильмлар намойиш қилинади.

Кино анжумани 28 декабргача давом этади.

Т. АЗИМОВ,
Т. ЮСУПОВ.

СОҒМИ, ДОҒМИ?!

Сами АБДУҚАҲҲОР

ФЕЛЬЕТОН

Нор ака уйида жанжал ҳар куни.
Ишидан Нор Полвон «отиб» келади.
Худди шер турқида кўрасиз уни,
Ёмғир йўқ-ку — пойга ботиб келади.

Маҳаллада ҳам у отнинг қашқаси,
Оғиздан тушмайди — номи безори!
Ундан ўтадиган йўқдир бошқаси,
Ҳамманинг жонига теккан озори!..

Нор Полвон аёли — Бодомхон опа,
Бирон чора излаб кўп бўлди ҳалак.
Ичмасликка қасам ичар ҳар дафъа,
Сўнг ўзин оқлар Нор: —
Отдим-да жиндак...

Болалар ранжийди... хафа Бодомхон,
Уйдан кундан-кунга кетар ҳаловат.
Ичиб келишини қўймас Нор Полвон,
Қўрқитиб қўйишга келди деб навбат,—

Куни кеча катта ариза ёзиб,
Элтди у маҳалла комиссияга:
«Нор ичар, болалар кетишди озиб,
Полвонни топширинг милицияга!»

Маҳалла комитет раиси Жавлон,
Активларни йиғди, чақирди мажлис.
Ариза кўрилди: «маст ётар Полвон»
Қарор бўлди: «Норни топширайлик биз!»

...Аризага мувофиқ Полвонни шу он,
Олиб кетишдилар ҳушёрхонага.
Маҳалла тинчиди. Дер раис Жавлон:
— Топширмабмиз уни илгарроқ нега?!

Сал ўтмай Жавлоннинг ошди хуноби,
Кимдир деди унга: — Иснод бу ишинг!
Наҳот тортолмасанг бир маст танобин,
Яхшими у ёқда... ўтирса кишинг?!

Шу ҳафта ёғилди Жавлон бошига,
Олдин таъна, сўнгра ўгит баралла:
— Кафилга олинглар, боринг қошига,
Полвонни тарбия этсин маҳалла!..

Яна югур-югур, Жавлон ҳам ҳалак,
Энди тескарисин барчага айтар,
Характеристика, ариза керак,
Жамин олиб борди: «Полвонни қайтар!»

Қисқаси, Жавлон бош, бир маҳалла-кўй,
Полвонни кафилга олиб келишди.
Шу кун денг бор эди маҳаллада тўй,
Ёш-қари барчаси тўйга киришди.

Даврада шодиёна, қизиб борар базм,
Машшоқлар авж қилар, тинмас раққоса.
Дастурхонда мавжуд нимаки лозим,
Тез-тез бўшаб турар май тўла коса...

Ҳазил-мутойиба тинмайди бир дам,
Даврага файз берар тўйбоши Жавлон.
Йўлак ва ҳовлига сиғмасди одам,
Камтарин ўтирар бир четда Полвон.

Бир палла камтарин ўтирган Норбой,
Шердай сапчиб туриб кетди ўрнидан.
Одамлар улгурмай дегунча «ҳай-ҳай!..»
Жавлон суғурилди тўйнинг тўридан.

Нор Полвон Жавлонни кетди дўппослаб,
Ўзини билмасди гўё жиннидай...
Ўртага тушганлар қолди ҳаллослаб,
Гулдай тўй тўзғиди ари инидай!..

* * *

Атайин айтмадим қайси маҳалла,
Ким ҳақдир, ким ноҳақ — Сизга ҳавола!

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 10.30 — Санъат ғунчалари. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Телеспектакль. 12.10 — Музикали киоска. 12.40 — Москванинг чет эллик меҳмонлари. 13.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 14.00 — Мультфильмлар. 14.30 — Музика ҳақида суҳбат. 16.30 — **Оқ тунлар** (бадиий фильм). 18.05 — Халқаро панорама. 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Қиш табассуми. 19.10 — Ахборот. 19.30 — **Телеминиатюралар.** 20.10 — Ахборот. 20.30 — «ЧАШМА». 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида ҳикоялар. 22.45 — **Булутлар кафтимда** (бадиий фильмнинг 2-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.35 — МОСКВА. Концерт. 19.05 — **Киноcаёҳатчилар клуби.** 20.10 — **Турли-туман одамлар** (телеспектакль). 20.30 — Янгра, баяним. 22.00 — Киноэкран янгиликлари. 22.30 — Телефильм. 23.50 — Сузиш бўйича мусобақалар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.30 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/XII да **Евгений Онегин** (кундузи), **Кармен** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 23/XII да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/XII да **Ужарлар,** 24/XII да **Хотинимнинг эри.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«ЁШ ГВАРДИЯ»** коллективининг гастроллари.

КИНО

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат алангаси (2 серия)— «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ринг — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 15.00, 19.00), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 18.45), «ДРУЖБА» (10.20, 12.00, 13.40, 16.00, 20.30, 21.40), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Аломат қиз — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Мен — Шаповалов — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли, Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Қаллоб Цеплис — (11.45, 15.15, 19.00, 20.45), **Табассум излаб** (10.00, 13.30, 17.00) — «МОСКВА».

Рам ва Шам (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундузи ва кечқурун).

Дайди — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

БАХТЛИ РАҚАМЛАР

ВОРОНЕЖ шаҳрида 20 декабрда ўтказилган «СПОРТЛОТО» ва 2-«СПОРТЛОТО»нинг навбатдаги тиражида қуйидаги рақамларга ютуқ чиқди:

«СПОРТЛОТО»
20, 39, 40, 41, 46, 48
2-«СПОРТЛОТО»
16, 20, 31, 37, 46, 49.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти дирекцияси, партия ва маҳаллий комитетлари катта илмий ходим, филология фанлари кандидати, доцент

Муҳаммад ШАРИФОВнинг

узоқ давом этган касалликдан сўнг бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Министрлиги ва Ўзбекистон медицина хўжалик таъминот бош бошқармаси шу бошқарманинг бошлиғи Б. М. Мавлоновга онаси

Баҳринисо НАБИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана,
Верховного Совета и Совета
Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ⊙ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142,
коммутатор — 330249 дан
330258 гача

Р. 01927. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 300.